

# Мигрантлар учун давлат ва муниципал хизматлари:

# НАЗАРИЯДАН АМАЛГАЧА

# Мигрантлар учун давлат ва муниципал хизматлари: назариядан амалгача

# Государственные и муниципальные услуги для мигрантов:
# от теории к действию

# Мигрантлар учун давлат ва муниципал хизматлари: назариядан амалгача

Данная памятка издана за счет средств государственной поддержки, выделенных в качестве гранта в соответствии с распоряжением Президента Российской Федерации от 18.09.2013 №348-рп и на основании конкурса, проведённого Грантодателем.

creative commons

Это произведение доступно по лицензии Creative Commons «Attribution-NonCommercial-ShareAlike» («Атрибуция – Некоммерческое использование – На тех же условиях») 3.0 Непортированная.
Распространяется бесплатно.

Автор-составитель: М.Л. Оборина.
Вёрстка: Е.А.Новаченко.

614045, Россия, г. Пермь,
ул. Монастырская, 61 (ДЦ «Серго»), оф. 602
Тел.: (342) 211-08-70, 211-08-80, 211-09-90
Сайт: *grany-center.org*
Эл. почта: *info@grany-center.org*

Отпечатано в ООО «МодернПлюс».
614111, г. Пермь, ул. Муромская, 3.
Тираж 200 экз.

## МУНДАРИЖА


| | |
|---|---|
| ЖАДВАЛ БЎЛИМЛАРИГА ҚИСҚА ШАРҲЛАР | 4 |
| СИЗДА ФАРЗАНД ТУҒИЛДИ | 5 |
| Боланинг туғилганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳномани олиш | 5 |
| ҲУЖЖАТЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ВА АПОСТИЛНИ ҚЎЙИШ | 6 |
| Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан берилган, чет элга олиб чиқилиши лозим бўлган ҳужжатларга апостиль қўйиш | 6 |
| Маълумот ва (ёки) малака тўғрисидаги, илмий даража ва илмий унвонлар тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш | 6 |
| КАСАЛЛИК (СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ) | 7 |
| Мажбурий тиббий суғурталаш полисини олиш | 7 |
| Шифокор қабулига кириш учун аризаларни қабул қилиш (ёзиб қўйиш) | 8 |
| 3 ёшгача болалар, шунингдек кўп болалик оилалардаги 6 ёшгача бўлган болаларнинг дори-дармон таъминоти | 9 |
| ПЕНСИЯ ЁШИГА ТЎЛИШ | 10 |
| Собиқ СССР республикалари бўлган давлатлардан келган фуқароларнинг пенсия таъминоти | 10 |
| ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА АЙЛАНАМИЗ | 10 |
| Автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун малака имтиҳонларини қабул қилиш, ҳайдовчилик гувоҳномаларни бериш | 10 |
| Автомототранспорт воситалар ва тиркамаларни рўйхатдан ўтказиш | 11 |
| Йўл ҳаракати соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида маълумотларни тақдим этиш | 12 |
| Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жаримани тўлаш | 13 |
| ОИЛАДА ЎҚУВЧИ БОР | 13 |
| Болани болалар боғчасига қабул қилиш | 13 |
| Болани биринчи синфга қабул қилиш | 14 |
| ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАШ | 15 |
| Солиқ тўловчисининг идентификация рақамини олиш | 15 |
| Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш | 16 |
| ЕГРЮЛ - Юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан (ЮШЯДР) ва ЕГРИП - Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ягона давлат реестридан (ЯТТЯДР) ахборотни тақдим этиш | 17 |
| СОЛИҚНИ ТЎЛАШ | 18 |
| Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича солиқ декларациясини қабул қилиш | 18 |
| КЎЧМАС МУЛК, МОЛ-МУЛКНИ СОТИБ ОЛИШ | 18 |
| Мол-мулкка ҳуқуқ ва у билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш | 18 |
| Мол-мулкка ҳуқуқ ва у билан боғлиқ битимларнинг ягона давлат реестридан (ҲЯДР) маълумотларни тақдим этиш | 19 |
| Ер участкаларни давлат кадастр рўйхатига қўйиш | 20 |
| Кўчмас мулк давлат кадастрига киритилган маълумотларни тақдим этиш | 21 |
| Алоқа учун маълумот | 22 |

# ЖАДВАЛ БЎЛИМЛАРИГА ҚИСҚА ШАРҲЛАР

| ЖАДВАЛ БЎЛИМИ | ШАРҲЛАР |
|---|---|
| Давлат хизмати | Давлат (муниципал хизмати) хизмати (ёки вазифаси)нинг номи кўрсатилади |
| Хизматнинг қисқа таърифи | Хизмат таърифи берилади ва қайси ҳолатларда, унга мурожаат қилиш мумкинлиги кўрсатилади. |
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | Хизматни ким олиши мумкинлиги кўрсатилади: РФ фуқаролари, чет эл фуқаролари, ташкилотлар.<br>*"Барча жисмоний шахслар"* белгиси хизматни Россия фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, қочоқлар олиши мумкинлигини англатади. |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Хизматни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг бу хизматни олишни бошқа ваколатли шахсга топшириши мумкин бўлиб бўлмаганлиги ва бунинг учун ишончнома расмийлаштириш керак бўлиб бўлмаганлиги кўрсатилади. |
| Хизматни ким тақдим этади | Хизматларни ташкил этиш учун масъул орган кўрсатилади.<br>Хизмат тўғрисида ахборотни ҳам хизматни ташкил этиш учун жавобгар бўлган органда, ҳам унинг ҳудудий бўлинмаларида олиш мумкин. |
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | Хизматларни олиш учун қаерга мурожаат қилиш (ариза ва ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш) кераклиги кўрсатилади. |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Агар хизматни олиш учун аризани почта орқали тақдим этиш мумкин бўлса, хатнинг қийматини эълон қилган ҳолда, иловалар рўйхати ва топширганлик тўғрисида хабарнома бериш билан хатни юборишингизни тавсия этамиз. |
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Ҳозирги вақтда хизматларни давлат ва муниципал хизматларни тақдим этиш бўйича кўп вазифали марказларда – яъни "бир дарча" тамойили бўйича хизматларни тақдим этишга ваколатли бўлган ташкилотда олиш мумкин. |
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Айрим хизматларни Интернет тармоғи орқали электрон кўринишда олиш мумкин. Масалан, Давлат хизматларининг ягона порталида www.gosuslugi.ru (Давлат хизматларининг ягона портали).<br>Лекин натижаси "қўлга" ва имзо қаршилигида берилиши керак бўлган ҳужжатлар ҳисобланган хизматлар мавжуд. Бундай хизматлар учун Интернет тармоғи орқали қабул қилинганлик тўғрисида ариза бериб, натижаси учун эса хизмат кўрсатувчи идорага келиш керак. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | Хизматни олиш учун тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади. |
| Хизмат нархи (давлат божи) | Бир қатор хизматларни олиш учун давлат божини, яъни шахсларнинг хизматларни олиш учун ҳокимият органларига мурожаат этганда улардан ундириладиган йиғимни тўлаш керак. Давлат божини хизматни олиш тўғрисида аризани беришдан олдин тўлаш керак.<br>Давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция бўлмаганида, сизга ҳужжатларни тақдим этишда рад жавобини беришлари мумкин эмас. Лекин, амалиётдан келиб чиқиб, хизматларни олиш жараёнини тезлаштириш учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанцияни тақдим этишингизни тавсия этамиз. |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | Хизматнинг натижаси тақдим этилиши (масалан, маълумотнома берилиши) ёки уни тақдим этишда ёзма рад жавоби юборилиши лозим бўлган муддат кўрсатилади. |
| Қайси асосга кўра рад жавоби беришлиши мумкин | Хизматларни тақдим этишда рад жавоби учун асослар кўрсатилади.<br>Асослар барча хизматлар учун умумий ҳисобланганлар асосларга қўшимча қилиб кўрсатилади: |

| | |
|---|---|
| | аризачининг шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси йўқлиги;<br>ҳужжатлар тўплами тўлиқ бўлмаганида;<br>ҳужжатлар амалдаги қонунчилик талабларига мос келмаслиги. |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | Шикоятлар ҳар доим юқори турувчи органга – яъни тартибни бузувчи идора маъмурий жиҳатдан бўйсунувчи органга юборилади. Бундан ташқари, ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятни прокуратурага ва судга беришингиз мумкин. |

## СИЗДА ФАРЗАНД ТУҒИЛДИ

| **Давлат хизмати** | **Боланинг туғилганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳномани олиш** |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | Россия Федерацияси ҳудудида туғилган барча болалар туғилганлик тўғрисида гувоҳномани олишлари керак.<br>Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома – боланинг туғилганлиги ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, паспорт олгунга қадар унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади. |
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | Россияда туғилган барча болалар, ота-онасининг фуқаролигидан қатъий назар. |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Боланинг ота-онаси;<br>ота-онаси (ота-онасининг бири) томонидан ваколатланган шахс. |
| Хизматни ким тақдим этади | Пермь ўлкасининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш Қўмитаси |
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | Боланинг туғилган жойи бўйича ёки ота-онаси яшаш жойи бўйича фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органи. |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Ҳа, аризани Давлат хизматларининг ягона порталида тақдим этиш мумкин. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | Ариза;<br>шахсни тасдиқловчи ҳужжат;<br>туғиш содир бўлган ёки туғишдан сўнг она мурожаат этган тиббиёт ташкилоти томонидан берилган ҳужжат; ёки туғиш вақтида (тиббий ёрдамсиз туғишда) иштирок этган шахснинг аризаси;<br>ота-онасининг никоҳдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома ёхуд оталикни белгилаш тўғрисида гувоҳнома. |
| Хизмат нархи (давлат божи) | Бепул. |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | Мурожаат этилган кунда. |
| Қайси асосга кўра рад жавоби беришлиши мумкин | аризачи боланинг ота-онаси ёки ота-онаси (ота-онасининг бири) томонидан ваколатланган шахс бўлиб ҳисобланмайди. |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | Пермь ўлкасининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш Қўмитаси;<br>Россия Адлия вазирлигининг Пермь ўлкаси бўйича бошқармаси;<br>суд. |

## ҲУЖЖАТЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ВА АПОСТИЛНИ ҚЎЙИШ

| Давлат хизмати | Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан берилган, чет элга олиб чиқилиши лозим бўлган ҳужжатларга апостиль қўйиш |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | Хорижий давлатлар ҳудудида ваколатли фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан берилган ҳужжатларни тан олиш мақсадида ҳужжатга имзо чеккан шахснинг имзосининг ҳақиқийлигини, унинг қаниқа вазифада иштирок этганлиги, шунингдек ҳужжат бириктирилган муҳрнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи махсус штамп – апостиль қўйилади. |
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | Барча жисмоний шахслар;<br>юридик шахслар. |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Шахсан. |
| Хизматни ким тақдим этади | Пермь ўлкасининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш Қўмитаси. |
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | Пермь ўлкасининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш Қўмитаси |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Ҳа. |
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Йўқ. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | Ариза;<br>шахсни тасдиқловчи ҳужжат;<br>легаллаштирилиши лозим бўлган гувоҳнома ва (ёки) маълумотнома.<br>давлат божи тўланганлиги тўғрисида квитанция (ихтиёрий). |
| Хизмат нархи (давлат божи) | Битта ҳужжат учун 1500 рубль. |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | 3 иш куни. |
| Қайси асосга кўра рад жавоби беришлиши мумкин | Фуқаролик ҳолати далолатномасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ҳужжат Россия Федерациясининг бошқа субъекти томонидан берилган;<br>Ҳужжат хорижий расмий ҳужжатларини легаллаштириш талабларини бекор қилувчи 1961 йил 5 октябрдаги Гаага конвенциясини имзоланмаган давлатга олиб чиқиш учун керак; |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | Россия Адлия вазирлигининг Пермь ўлкаси бўйича бошқармаси;<br>суд. |

| Давлат хизмати | Маълумот ва (ёки) малака тўғрисидаги, илмий даража ва илмий унвонлар тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | Россия Федерациясида маълумот олган Россия ва чет эл фуқаролари кейинги таълим олиш ёки ишлаш учун хорижга чиқиб кетаётганида апостилга зарурият туғилади. |
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | Барча жисмоний шахслар. |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Шахсан (ҳужжат эгалари);<br>қонуний вакил;<br>ишончнома бўйича ваколатланган шахс. |
| Хизматни ким тақдим этади | Пермь ўлкасининг Таълим соҳасида текшириш ва назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси |

| | |
|---|---|
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | Пермь ўлкасининг Таълим соҳасида текшириш ва назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Ҳа. |
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Ҳа. Давлат хизматларининг ягона портали орқали. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | Ариза;<br>Аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;<br>ҳужжатнинг асл нусхаси;<br>фамилияси, исми, отасининг изми ўзгартирилганлигини (ўзгартирилган бўлса) тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси ва (ёки) тасдиқланган нусхаси. |
| Хизмат нархи (давлат божи) | Ҳар бир ҳужжат учун 1500 рубль |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | 45 кун |
| Қайси асосга кўра рад жавоби беришлиши мумкин | ҳужжат Россия Федерациясида ёки РСФСРда берилган ҳужжат эмас;<br>ҳужжатда мажбурий реквизитларнинг биттаси мавжуд эмас;<br>ҳужжатни имзолаган мансабдор шахс, уни имзолашга ваколати бўлмаган;<br>ҳужжат унинг эгаси сифатида бу хужжатда кўрсатилган шахсга берилмаган. |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | Пермь ўлкаси губернатори;<br>Таълим ва фан соҳасида назорат қилиш бўйича федерал хизмати;<br>суд. |

## КАСАЛЛИК (СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ)

| Давлат хизмати | Мажбурий тиббий суғурталаш полисини олиш |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | РФ фуқаролари, шунингдек Россия Федерациясида доимий ёки вақтинча яшовчи чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки қочоқлар (ҳам болалар, ҳам катталар), агар улар мажбурий тиббий суғурталаш тизимида суғурта қилинган бўлсалар, бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Сизга берилган мажбурий тиббий суғурталаш полиси Сизнинг мажбурий тиббий суғурталаш тизимида суғурта қилинганлигингизни тасдиқловчи хужжат бўлиб ҳисобланади. |
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | РФ фуқаролари;<br>вақтинчалик яшаш учун рухсатномага ёки яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, ёки қочоқлар. |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Шахсан;<br>қонуний вакил. |
| Хизматни ким тақдим этади | Пермь ўлкасининг Мажбурий тиббий суғурталаш ҳудудий федерал фонди. |
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | Мажбурий суғурталаш тизимида иштирок этувчи суғурта тиббиёт ташкилотида (аризачи томонидан мустақил танланади). |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Йўқ. |

| | |
|---|---|
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Йўқ. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | *Катталар учун:*<br>суғурта тиббиёт ташкилотини танлаш тўғрисида ариза;<br>шахсни тасдиқловчи ҳужжат.<br>Чет эл фуқаролари учун:<br>вақтинчалик яшаш учун рухсатнома/яшаш гувоҳномаси/қочоқ гувоҳномаси, ёки қочоқ этиб тан олиш тўғрисида илтимоснома кўриб чиқилиши тўғрисида гувоҳнома, ёки қочоқ мавқеидан маҳрум қилиш тўғрисида қарор устидан шикоятнинг нусхаси/ёки Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик паноҳ берилиши тўғрисида гувоҳнома;<br>якка тартибдаги шахсий ҳисоб варақнинг суғурта рақами (ЯТШҲВСР) (мавжуд бўлганида).<br>*Болалар учун қўшимча равишда:*<br>ота-онасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;<br>боланинг туғилганлиги давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома; |
| Хизмат нархи (давлат божи) | Бепул. |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | Мурожаат этган кунда;<br>ёхуд вақтинчалик гувоҳнома берилади, у берилган пайтдан эътиборан 30 кун ичида полис берилиши керак. |
| Қайси асосга кўра рад жавоби беришлиши мумкин | Россия Федерациясида доимо ёки вақтинча яшаётганлигининг тасдиғи мавжуд эмас. |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | Пермь ўлкасининг Мажбурий тиббий суғурталаш ҳудудий федерал фонди;<br>Мажбурий тиббий суғурталаш ҳудудий федерал фонди;<br>суд. |

| **Давлат хизмати** | **Шифокор қабулига кириш учун аризаларни қабул қилиш (ёзиб қўйиш)** |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | Агар сизга касалликни ташҳис қилиш ва даволаш, кечирган касалликлар ва шикастланишлардан сўнг реабилитация, дори-дармон таъминоти ёки профилактика бўйича муолажаларни олишингиз керак бўлса, сиз ушбу тиббий хизматларни олиш учун Пермь ўлкасининг тиббиёт муассасаларига мурожаат этишингиз мумкин.<br>Ёзиб қўйиш шифокорнинг *режали қабулига* амалга оширилади. (Россияда тез тиббий ёрдам мажбурий тиббий суғурталаш полисисиз унинг ҳудудида бўлган барча шахсларга, бепул ва шошилинч кўрсатилади). |
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | Мажбурий тиббий суғурталаш полисига эга бўлган барча шахслар |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Шахсан;<br>қонуний вакил. |
| Хизматни ким тақдим этади | Пермь ўлкасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги. |
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | Тиббиёт муассасасида.<br>*Тиббиёт муассасасига қўнғироқ қилиб, хизматни телефон орқали олиш мумкин.* |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Йўқ. |

| | |
|---|---|
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Ҳа. Давлат хизматларининг ягона портали орқали ёки Пермь ўлкасининг тиббиёт портали орқали www.k-vrachu.ru. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | Мажбурий тиббий суғурталаш полиси. |
| Хизмат нархи (давлат божи) | Бепул. |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | Шифокор қабулига мурожаат этиш кунида ёзилиш мумкин, қабул эса бевосита ёзиб қўйилган кунда бўлиб ўтади. |
| Қайси асосга кўра рад жавоби берилиши мумкин | аризачи мажбурий тиббий суғурталаш тизимида суғурта қилинмаган. |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | мажбурий тиббий суғурталаш полиси олинган суғурта тиббиёт ташкилоти.<br>Пермь ўлкасининг Мажбурий тиббий суғурталаш ҳудудий федерал фонди;<br>Пермь ўлкасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги;<br>суд. |

| Давлат хизмати | 3 ёшгача болалар, шунингдек кўп болалик оилалардаги 6 ёшгача бўлган болаларнинг дори-дармон таъминоти. |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | 3 ёшгача болалар, шунингдек кўп болалик оилалардаги 6 ёшгача бўлган болалар, агар улар мажбурий тиббий суғурталаш тизимида суғурта қилинган бўлсалар, тиббий кўрсатмалар бўйича бепул дори-дармон таъминотини олиш ҳуқуқига эга. |
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | Мажбурий тиббий суғурталаш полисига эга барча болалар |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Боланинг ота-онаси (қонуний вакили). |
| Хизматни ким тақдим этади | Пермь ўлкасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги. |
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | Тиббиёт муассасаси. |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Йўқ. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | Мажбурий тиббий суғурталаш полиси |
| Хизмат нархи (давлат божи) | Бепул. |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | Бепул дори-дармон учун рецепт мурожаат этган куни даволовчи шифокор томонидан берилади. Ушбу рецепт бўйича дорихонада дори-дармон воситаси берилади. |
| Қайси асосга кўра рад жавоби берилиши мумкин | бола мажбурий тиббий суғурталаш тизимида суғурта қилинмаган;<br>дори-дармон воситасини қабул қилиш учун тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлмаганида. |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | Тиббиёт муассасасининг бош шифокори;<br>мажбурий тиббий суғурталаш полиси олинган суғурта тиббиёт ташкилоти;<br>Пермь ўлкаси бўйича Россия соғлиқни сақлаш назорати;<br>Пермь ўлкасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги;<br>прокуратура;<br>суд. |

## ПЕНСИЯ ЁШИГА ТЎЛИШ

| Давлат хизмати | Собиқ СССР республикалари бўлган давлатлардан келган фуқароларнинг пенсия таъминоти |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | Собиқ Иттифоқ мамлакатларидан келган, Россия ҳудудида доимо яшовчи шахслар пенсия таъминотини олиш ҳуқуқига эга. |
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | Яшаш гувоҳномасига эга бўлган, Собиқ Иттифоқ мамлакатлари фуқаролари;<br>қочоқлар. |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Шахсан;<br>қонуний вакил. |
| Хизматни ким тақдим этади | Россия Пенсия фондининг Пермь ўлкаси бўйича бўлинмаси. |
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | Яшаш жойи бўйича пенсия фондининг ҳудудий органи. |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Йўқ. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | шахсни тасдиқловчи ҳужжат:<br>чет эл фуқаролари учун – яшаш гувоҳномаси;<br>қочоқлар учун – қочоқ гувоҳномаси;<br>меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари тўғрисида маълумот;<br>ногиронлик белгиланганлиги тўғрисида маълумот;<br>боқувчисининг (боқувчиларининг) ўлими ва у билан қариндошлик алоқалар тўғрисида маълумот;<br>стаж тўғрисида, 01.01.2002 йилгача узлуксиз ишнинг ҳар қайси 60 ойи учун ўртача иш ҳақи тўғрисида ҳужжатлар;<br>пенсия йиғма жилди ва олдинги яшаш мамлакатида пенсия тўлови тўхтатилганлиги тўғрисида маълумот.<br>*Ҳужжатлар рўйхати олдинги яшаш мамлакатига ва пенсия турига қараб ўзгариши мумкин.* |
| Хизмат нархи (давлат божи) | Бепул. |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | 10 кун;<br>қўшимча ҳужжатарни олиш зарурияти бўлган тақдирда 3 ойгача. |
| Қайси асосга кўра рад жавоби беришлиши мумкин | яшаш гувоҳномаси ёки қочоқ гувоҳномаси бўлмаганлиги сабабли;<br>пенсия тайинлаш учун асослар мавжуд бўлмаганлиги сабабли. |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | Россия Пенсия фондининг Пермь ўлкаси бўйича бўлинмаси.<br>Россия Федерациясининг Пенсия фонди<br>Суд. |

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА АЙЛАНАМИЗ

| Давлат хизмати | Автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун малака имтиҳонларини қабул қилиш, ҳайдовчилик гувоҳномаларни бериш |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун бир қатор имтиҳонларни топшириш керак. Дастлаб сиз ўқиган хайдовчилик мактабида ички имтиҳон топширилади (мустақил ўқиш истисно этилади). Сўнг бошлангич кўникмалар бўйича Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекциясида (ДЙҲХИ) имтиҳон топширилади. Ушбу имтиҳон муваффақиятли топширилганидан кейин амалдаги шароитда (йўлда) имтиҳон бўлиб ўтади. Амалдаги шароитда имтиҳон бўйича яхши баҳолар олганингиздан сўнг ҳайдовчилик гувоҳномасини оласиз. |

| | |
|---|---|
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | Барча жисмоний шахслар |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Шахсан. |
| Хизматни ким тақдим этади | Россия ИИВ Пермь ўлкаси бўйича ББ ДЙҲХИ. |
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | Россия ИИВ Пермь ўлкаси бўйича ББ ДЙҲХИ муниципал тузилмалардаги бўлинмаси. |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Ҳа. Имтоҳонларни топшириш учун аризани Давлат хизматларининг ягона портали орқали тақдим этиш мумкин. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | Ариза;<br>шахсни тасдиқловчи ҳужжат;<br>тиббий маълумотнома;<br>яшаш жойи бўйича ёки турар жойи бўйича рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат;<br>автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш (қайта тайёрлаш) дастурлари бўйича ўқиганлик тўғрисида гувоҳнома;<br>давлат божи тўланганлиги тўғрисида квитанция (ихтиёрий) |
| Хизмат нархи (давлат божи) | 800 рубль. |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | Охирги имтиҳон муваффақиятли топширилган кунда |
| Қайси асосга кўра рад жавоби беришлиши мумкин | Имтоҳон топширилмаган. |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | Россия ИИВ Пермь ўлкаси бўйича ББ ДЙҲХИ бошқармаси;<br>суд. |

| **Давлат хизмати** | **Автомототранспорт воситалар ва тиркамаларни рўйхатдан ўтказиш** |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | Агар сиз автомобилни сотиб олган бўлсангиз, уни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекциясида рўйхатдан ўтказишингиз керак.<br>Рўйхатдан ўтказиш муддати - сотиб олинган пайтдан 10 кун. |
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | Барча жисмоний шахслар |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Шахсан;<br>ишончнома бўйича ваколатланган шахс. |
| Хизматни ким тақдим этади | Россия ИИВ Пермь ўлкаси бўйича ББ ДЙҲХИ бошқармаси. |
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | Россия ИИВ Пермь ўлкаси бўйича ББ ДЙҲХИ муниципал тузилмалардаги бўлинмаси. |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Ҳа. Рўйхатдан ўтказиш учун аризани Давлат хизматларининг ягона портали орқали бериш мумкин. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | Ариза;<br>шахсни тасдиқловчи ҳужжат; |

| | |
|---|---|
| | “Транзит” рўйхат белгилари (агар улар берилган бўлса);<br>транспорт воситасининг паспорти;<br>транспорт воситасини кўрикдан ўтказиш далолатномаси;<br>автомототранспорт воситасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;<br>ОСАГО (Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш) суғурта полиси;<br>давлат божи тўланганлиги тўғрисида квитанция (ихтиёрий) |
| Хизмат нархи (давлат божи) | автотранспорт воситаларига рўйхат белгилари берилиши учун 1500 рубль;<br>мотоцикллар ва тиркамаларга рўйхат белгилари берилиши учун 1000 рубль. |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | Мурожаат этган кунда. |
| Қайси асосга кўра рад жавоби беришлиши мумкин | Ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар қонунчилик талабларига мувофиқ эмас |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | Россия ИИВ Пермь ўлкаси бўйича ББ ДЙҲХИ бошқармаси;<br>суд. |

| **Давлат хизмати** | **Йўл ҳаракати соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида маълумотларни тақдим этиш** |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | Ҳозирги кунда шаҳарларда йўл ҳаракати қоидалари бузилишларни автоматик равишда қайд этиш комплекслари ўрнатилиб, шундан сўнг бузувчининг манзилига тегишли хат юборилади. Ушбу хатлар йўқолиб қолиши ёки манзилга узоқ муддат давомида бориш холатлари мавжуд бўлиб, бу холат жавобгарликдан ва жаримани тўлаш мажбуриятидан ҳеч ҳам озод этмайди. Агар сиз автомобилчи бўлсангиз, ҳеч бўлмаганда хар уч ойда ёки ярим йилда бир марта Сизда тўланмаган жарималар мавжуд бўлиб бўлмаганлигини текширишингизни тавсия этамиз. |
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | Россияда рўйхатга олинган автотранспорт воситасининг хар бир эгаси. |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Шахсан |
| Хизматни ким тақдим этади | Россия ИИВ Пермь ўлкаси бўйича ББ ДЙҲХИ бошқармаси. |
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | Россия ИИВ Пермь ўлкаси бўйича ББ ДЙҲХИ муниципал тузилмалардаги бўлинмаси. |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Ҳа. |
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Ҳа. Давлат хизматларининг ягона порталида ва Россия ИИВ Давлат автоинспекциясининг сайтида www.gibdd.ru. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | Транспорт воситаси тўғрисида маълумотлар: давлат рўйхат белгиси, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг серияси ва рақами. |
| Хизмат нархи (давлат божи) | Бепул. |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | Мурожаат этилган кунда. |
| Қайси асосга кўра рад жавоби беришлиши мумкин | Киритилган рўйхат рақами ва транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг рақами мос келмаган тақдирда. |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | Россия ИИВ Пермь ўлкаси бўйича ББ ДЙҲХИ бошқармаси;<br>суд. |

| Давлат хизмати | Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жаримани тўлаш |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | Россия қонунчилиги томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жаримани тўлаш муддатлари ўрнатилган - 60 кун. Агар жарима тўланмаган бўлса, ДЙҲХИ ходимлари 10 кунлик муддат ичида тўланмаган жарималар бўйича қарорларни суд ижрочиларига мажбурий ундириш учун юборишлари шарт.<br>ДЙҲХИ жаримасини тўламаслик учун жавобгарлик назарда тутилган. Бундан ташқари, ўз вақтида тўланмаган ДЙҲХИ жарималари хорижга чиқишда, автомобилларни олди-сотдисида ва техник кўрикдан ўтказишда тўсқинлиқ қилиши мумкин. |
| Аҳолининг қайси тоифалари хизматни олишлари мумкин | Номига жарима ёзилган барча шахслар |
| Хизматни олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин | Шахсан;<br>унинг манфаатида ўзга шахс (шу жумладан ишончномасиз). |
| Хизматни ким тақдим этади | Россия ИИВ Пермь ўлкаси бўйича ББ ДЙҲХИ бошқармаси |
| Хизматларни қаерда олиш мумкин | ДЙҲХИ қарорида кўрсатилган реквизитлар билан ҳар қайси банкка мурожаат қилиш;<br>банк ўтказмаси билан (шу жумладан ДЙҲХИ жарималарини Жамғарма банк орқали online тўлаш);<br>тез тўлов терминаллари орқали (лекин улар катта воситачилик ҳақини олади);<br>электрон пуллар билан (WebMoney, Яндекс.Деньги, Деньги@mail.ru);<br>мобил телефон балансидан.<br>*Тўловдан сўнг, албатта. жаримани тўлаш учун квитанцияни босиб чиқаринг ва сақлаб қўйинг.* |
| Хизматларни олиш учун ҳужжатларни почта орқали юбориш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни МФЦ (Кўп вазифали марказда) олиш мумкинми | Йўқ. |
| Хизматни Интернет тармоғи орқали олиш мумкинми | Да. Жаримани ДЙҲХИ сайтида www.gibdd.ru тўлаш мумкин. |
| Қайси ҳужжатларни тақдим этиш керак | Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор, унда сиз тўлов учун керак бўлган барча маълумотни топасиз:<br>федерация субъекти;<br>ДЙҲХИ бўлинмаси;<br>номига штраф ёзилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;<br>яшаш манзили;<br>қарор рақами ва қабул қилинган санаси;<br>жарима миқдори. |
| Хизмат нархи (давлат божи) | Бепул. (Лекин, сиз танланган тўлов усулига қараб, воситачилик ҳақи олиниши мумкин). |
| Хизматларни кўрсатиш муддатлари | Мурожаат этилган кун. (Сиз танланган тўлов усулига қўра ДЙҲХИ ҳисоб варағига пулларни ўтказиш бир неча кунга чўзилиши мумкин). |
| Қайси асосга кўра рад жавоби беришлиши мумкин | Агар реквизитларда хатолар ёки ноаниқ маълумотлар бўлса, тўлов қабул қилинмаслиги мумкин. |
| Хизматларни тақдим этилиши устидан кимга шикоят қилиш мумкин | Россия ИИВ Пермь ўлкаси бўйича ББ ДЙҲХИ бошқармаси;<br>суд. (Маъмурий ҳуқукбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор устидан шикоят қарор олинган кундан эътиборан *ўн кун ичида* тақдим этилиши мумкин). |

## ОИЛАДА ЎҚУВЧИ БОР

| Давлат хизмати | Болани болалар боғчасига қабул қилиш |
|---|---|
| Хизматнинг қисқа таърифи | Чет эл фуқаролари мактабгача таълим олиш (болалар боғчасига |

| | |
|---|---|
